

Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирининг
20__ йил ____ ____ даги
_____-сонли буйруғига
_____-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси раҳбар-ходимларининг
ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. Умумий қоидалари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) бошлиғининг лавозим мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарликларини белгилаб беради.

1.2. Бошқарма ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликнинг буйруқлари ва Ҳайъати қарорлари ҳамда вазирлик фаолиятига оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни пухта ўзлаштириб боради, уларга амал қилади.

1.3. Бошқарма бошлиғи лавозимига олий маълумотли, соҳада камида етти йиллик иш стажига эга бўлган, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида содир бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиб борадиган, соҳага оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тушунган, етарли билимга эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

1.4. Бошқарма бошлиғи иш юритишнинг замонавий воситаларидан (компьютер, факс, ксерокс, сканер, интернет) фойдаланишни билиши талаб этилади.

1.5. Бошқарма бошлиғи бошқарманинг фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ҳамда вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазирга бўйсунади.

II. Бошқарма бошлиғининг вазифалари ва функциялари

2.1. Бошқармаси бошлиғи қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

2.1. Бошқарма бошлиғи ўз хизмат фаолияти давомида тўғридан-тўғри Маданият вазирига бўйсунади.

2.2. Бошқарма фаолиятига бевосита умумий раҳбарликни амалга оширади.

2.3. Бошқармага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этади, назорат қилади ва мувофиқлаштиради.

2.4. Бошқарма бошлиғи маданият ва санъат соҳаси олий касбий маълумотга эга бўлиши;

етти йилдан кам бўлмаган соҳа бўйича иш стажига эга бўлиши керак.

2.5. Истисно ҳолларида Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи лавозимига маданият ва санъат соҳасидаги олий касбий маълумотга эга бўлмаган шахс, беш йилдан кам бўлмаган соҳада ишлаган иш стажига мавжуд бўлиши шарти билан тайинланиши мумкин.

2.6. Бошқарма бошлиғининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

республикада театр ва цирк санъатини ривожлантириш бўйича вазирликка юклатилган вазифаларни амалга оширади;

ижодий жамоаларга халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини, унинг ҳозирги ҳаётини, мустақил ривожланиш тажрибасини акс эттирувчи асарлар яратишда ҳар томонлама ёрдам беради;

давлат театрлари, “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси, “Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студияси ва “Томоша” болалар мусикали театр-студиялари ишларини мувофиқлаштиради, уларнинг Уставлари ва иш режаларига асосан фаолият юритишларини назорат қилади, ташкилий ва кадрлар, молиявий-иқтисодий масалаларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатади;

тизим ташкилотлар томонидан тайёрланиб, вазирликка тақдим этиладиган ҳисоботлар, ахборотлар ва маълумотларни тўғрилигини ўрганади;

“Наврўз”, “Мустақиллик” умумхалқ байрамларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ҳамда методик ёрдам беради;

театр ва цирк томошалари фаолиятини ривожлантиради, замонавий санъат жанрларининг ривожланишига шарт-шароитлар яратади;

республика миқёсида бўлиб ўтадиган танловлар ҳамда фестивалларни ташкиллаштиради;

республика раҳбарияти томонидан имзоланган халқаро битимларга асосан театр ва цирк йўналиши бўйича халқаро алоқаларини ривожлантиради;

театрлар ва цирк соҳасини малакали ходимлар билан таъминланишини, уларнинг касб маҳоратларини оширишни, ижодий ходимларни рағбатлантирилишини, давлат мукофотларига тавсия этилишини ташкил этади;

театрлар ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси бошқарувини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

театрлар ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси фаолиятига оид таҳлилий ва статистик маълумотларни шакллантиради, улар асосида тегишли таклифлар ишлаб чиқиб, вазирлик раҳбариятига киритиб боради.

вазирлик тизимига кирувчи ташкилотларнинг ижодий жамоаларининг гастроль фаолиятини, шу жумладан чет эллардаги гастроль фаолиятини ташкил қилади.

2.7. Бошқарма бошлиғи ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ижодий жамоалар, маданият ва санъат мутахассислари ва арбобларини уларнинг идоравий мансублигидан қатъий назар, халқаро танловлар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда қатнашиш учун тайёрлашни, жўнатишни ва қабул қилинишини таъминлайди;

театрларнинг Бадий Кенгаши фаолиятини кузатиб боради;

спектакллар муҳокамасида иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилотларнинг раҳбар ходимларини аттестациясини ташкил этишда иштирок этади. Аттестациядан ўтказиш масалаларида услубий ёрдам кўрсатади;

жойларда бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича ўрганишлар ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва уларда иштирок этади ҳамда амалий ёрдам кўрсатади;

вазир топшириғига асосан бошқарма фаолиятига доир ишлар юзасидан юқори ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлайди.

бошқарма ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича вазирликка кирувчи ҳужжатларни кўриб чиқади, чиқувчи ҳужжатларни ва ўз йўналиши бўйича тайёрланган материалларни имзолайди;

вазирлик буйруғини талаб этмайдиган, ўз ваколати доирасидаги ҳужжатларни тегишли ташкилот ва бошқармаларга кўриб чиқиш учун жўнатади;

бошқарма фаолияти билан боғлиқ чораклик, йиллик ва бошқа ҳисоботларни тайёрлайди;

III. Бошқарма бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Бошқарма бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ваколати доирасида вазирликнинг бошқармалари, тизим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

бошқарма тегишли тизим ташкилотларидан уларнинг фаолиятларига оид маълумотларни (ижодий, молиявий-иқтисодий) олиш, умумлаштириш, тегишли кўрсатмалар беради;

театрлар ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси фаолиятини таҳлил қилади;

театрлар ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси томонидан маънавий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлигини йўлга қўйишда уларга кўмаклашади;

давлат миқёсидаги тадбирлар, умумхалқ байрамларини нишонлаш билан боғлиқ жараёнларда, тадбирларда театр ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси ижодкорлари иштирокини таъминлайди;

белгиланган тартибда республика, халқаро даражадаги кўрик-танловлар ва фестивалларни ташкил этади ва ўтказишда;

театрлар ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси репертуарининг бадиий-ғоявий жиҳатдан пухта асарлар билан таъминланишида амалий чоралар кўради;

театрлар ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси бадиий кенгашлари билан ҳамкорлик қилади;

театрлар ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси фаолиятини замон талабларига мос бўлишини таъминлаш учун амалий чоралар кўради.

театрлар ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси бадиий кенгашлари фаолиятининг мониторингини юритади;

3.2. Вазирлик раҳбариятига бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, хизмат бурчини ўтишдаги камчиликлари учун маъмурий чоралар кўриш, ишга қабул қилинадиган бошқарма ходимлари номзодлари бўйича таклифлар киритади.

3.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга оширади.

Бошқарма бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4. Бошқарма бошлиғи ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

IV. Бошқарма бошлиғининг бошқа таркибий тармоқлар билан ўзаро ҳамкорлиги

4.1. Бошқарма бошлиғи ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва соҳа ривожига оид тегишли маълумотлар олади.

V. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг вазифалари ва функциялари

5.1. Бошқарма бошлиғи раҳбарлиги остида иш олиб боради.

5.2. Бошқарма бошлиғи томонидан юклатилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлайди.

5.3. Ўзига юклатилган функционал вазифага жавоб беради.

5.4. Вазирликнинг Ички меҳнат тартиб қоидалари, Бошқарманинг Низоми, вазир томонидан тасдиқланган иш (*вазифалар*) тақсимоти ва мазкур лавозим йўриқномасига сўзсиз амал қилади.

5.5. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: бошқарма бошлиғи бўлмаганда унинг вазифаларини бажаради;

вазирлик тизимидаги давлат театрлари, “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси, “Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студияси ва “Томоша” болалар муסיқали театр-студиялари (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ишларини раҳбар топшириғига асосан мувофиқлаштиришга ва ташкил қилишга кўмаклашади;

ташкилотларнинг ижодий ишларини, уларнинг репертуарлари ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси фаолиятини ўрганади, таҳлилий хулосалар тайёрлайди, ижодий ишларни ташкил этилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатади;

ҳудудий бошқармалар ва республика ташкилотларининг театр ва цирк санъатини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишларининг аҳволи ҳақида таҳлилий маълумотлар, билдиришномалар тайёрлайди ва уларни бошқарма бошлиғига тақдим этади;

ҳудудий бошқармалар ва Республика ташкилотларининг тегишли ҳужжатлари ва маълумотларини қабул қилади, умумлаштиради ҳамда ваколат доирасида соҳага оид ишларни амалга оширилишини назорат қилади;

раҳбарият топшириғига асосан хизмат сафарларига боради;

вазирлик ҳудудий бошқармалари ва тегишли республика ташкилотларининг ходимларга бўлган талабларини ўрганиб чиқади ҳамда улар юзасидан маълумот тайёрлайди;

тизим ташкилотларнинг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилиш;

вазирлик ваколатида театр ва цирк санъатини ривожлантирилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ёхуд ишлаб чиқишда иштирок этиш;

вазирлик тизимидаги ҳудудий маданият бошқармалари, ташкилот ва муассасаларида юридик хизмат фаолиятини ўрганиш, ўрганишда камчиликлар аниқланган тақдирда уни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

бошқарманинг иш режасида белгиланган вазифаларни ўз муддатида ва сифатли ижросини таъминлаш;

бошқарма ижросиси сифатида белгиланган ҳужжатларнинг ижро этилиши ҳолати бўйича кунлик мониторинг юритиш.

5.6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

5.7. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ҳар куни Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси тақдим этган ҳужжатлар ҳолати юзасидан берилган ахборот асосида ижроси назоратга олинган ҳужжатлар бажарилишини таъминлайди;

2) ижро интизоми мониторинги ва мурожаатларнинг кўриб чиқилишини ўрнатилган муддатларда таъминлаш юзасидан мутассадди ходимлар билан биргаликда зарурий амалий чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

3) бошқарма таркибини ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, бошқарма фаолиятига оид муҳим масалалар ҳақида вазирга мунтазам равишда ахборот беради,

5.8. Вазирликнинг обрўси ва шаънига путур етказиши мумкин бўлган ахборотларни ва бошқармага тегишли ҳужжатлар юзасидан олиб борилаётган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

VI. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Бошқарма бошлиғи ўринбосари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликга келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

вазирлик, шунингдек тизим ташкилотларининг мансабдор шахсларидан бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

раҳбарият томонидан чақириладиган ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра ёки ташкилот раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

вазирлик тизимидаги ташкилотларда вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда масалаларини ўрганиш;

вазирлик, шунингдек тизим ташкилотларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари:

ўзига мазкур лавозим йўриқномаси ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ҳамда аттестациядан ўтиши шарт.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.3. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

6.4. Иш давомида ёзув қоғозидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланади.

6.5. Раҳбарият топшириғига асосан хизмат сафарларига боради.

6.6. Ички меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилади.

6.7. Мазкур лавозим йўриқномасида баён қилинган зиммасига юклатилган вазифаларни бажаради.

6.8. Ўз билимларини доимо такомиллаштириб, соҳага оид қабул-қилинаётган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўрганиб боради.

6.9. Вазирликнинг аппарат мажлислари ва Хайъат йиғилишларида иштирок этади.

6.10. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

VII. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг малака талаблари

7.1. Бошқарма бошлиғи ўринбосари қуйидаги талабларга жавоб беради:

бошқарма бошлиғи ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирнинг буйруқлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

7.2. Маданият ва санъат соҳасидаги олий касбий маълумотга эга бўлиши;

7.3. Беш йилдан кам бўлмаган ушбу соҳада иш стажига эга бўлиши.

7.4. Истисно ҳолларида Бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимида маданият ва санъат соҳасида олий касбий маълумотга эга бўлмаган шахс, уч йилдан кам бўлмаган мазкур соҳада иш стажига мавжуд бўлиши шарти билан тайинланиши мумкин.

VIII. Жавобгарлиги ва ўзаро ўрин босиш

8.1. Бошқарма бошлиғи ва ўринбосари ўзига юкланган лавозим мажбуриятлари тўлақонли бажарилиши учун жавоб беради.

8.2. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўз муддатида кўриб чиқилишига бевосита жавоб беради.

8.3. Фойдаланиш учун ўзига топширилган мебель, хона жиҳозлари, ташкилий ва маиший техникадан оқилона фойдаланилиши ҳамда уларни бут сақланишига масъулдир.

8.4. Ўзи иш олиб борадиган хонада ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини таъминлайди.

8.5. Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда бошқармада ҳужжатлар билан ишлаш, уларни белгиланган тартибда сақланишини таъминлашга шахсан жавоб беради.

8.6. Мазкур лавозим йўриқномаси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.

IX. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур лавозим йўриқномада Бошқарма ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг сифатли ва белгиланган муддатларда бажармаганлиги, ижро интизоми ва ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилмаслиги, хавфсизлик, меҳнат муҳофазаси ва

ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги, вазирликнинг моддий бойликларига зарар етказганлиги, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда вазирликнинг идоравий норматив ҳужжатларида белгиланган расмий ҳужжатларнинг махфийлигини таъминламагани учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли жавобгарликка тортилади.

9.2. Мазкур лавозим йўриқномасига қонун ҳужжатлари асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассисининг лавозим йўриқномаси

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур лавозим йўриқномаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) бош мутахассисининг лавозим мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарликларини белгилаб беради.

1.2. Бошқарма бош мутахассиси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири (бундан буён матнда вазир деб юритилади)нинг буйруғига кўра, лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

1.3. Бошқарма бош мутахассиси лавозимига олий маълумотли камида уч йиллик иш стажига эга бўлган, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида содир бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиб борадиган, соҳага оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни тушунган етарли билимга эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

1.4. Бошқарма бош мутахассиси иш юритишнинг замонавий воситаларидан (компьютер, факс, ксерокс, сканер, интернет) фойдаланишни билиши талаб этилади.

II. Бошқарма бош мутахассисининг малака талаблари

Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси куйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

2.1. Бошқарма бош мутахассиси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирнинг буйруқлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

2.3. Маданият ва санъат соҳасида олий касбий маълумотга эга бўлиши;

2.4. Уч йилдан кам бўлмаган соҳа бўйича иш стажига эга бўлиши.

2.5. Истисно ҳолларида Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси лавозимига маданият ва санъат соҳасида олий касбий маълумотга эга бўлмаган шахс, икки йилдан кам бўлмаган театр соҳасида иш стажини мавжуд бўлиши шарти билан тайинланиши мумкин.

III. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг вазифалари ва функциялари

3.1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат театрлари, “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси, “Дийдор” – ёшлар экспериментал театр-студияси ва “Томоша” болалар мусиқали театр-студиялари ишларини (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) бошқарма бошлиғи топшириғига асосан мувофиқлаштиришга ва ташкил қилишга кўмаклашади;

ташкилотлар ишларининг аҳволи ҳақида тахлилий маълумотлар, билдиришномалар тайёрлайди ва уларни бошқарма бошлиғи ва ўринбосарига тақдим этади;

ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради, улар томонидан ўтказиладиган тадбирлар ва томоша дастурларини тайёрлашда қатнашади;

бошқарма фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича бошқарма бошлиғи ва ўринбосарининг топшириқларини бажаради;

бошқармага келиб тушувчи ва бошқармадан чикувчи ҳужжатлар ҳисобини юритади; тегишли муассасалар бадий кенгашлари фаолиятлари тўғрисида маълумотларни умумлаштиради;

бошқармада юритиладиган ва бошқармага келиб тушган ҳудудларга оид барча ҳужжатларни юритади ва белгиланган тартибда сақланишини таъминлайди;

театрларнинг йиллик репертуар режасини ишлаб чиқишда асарлар билан танишиб, тавсиявий хулосалар беради;

театрларнинг репертуар режасини тасдиқлашга тайёрлайди;

театрлардан тушган мурожаатларга асосан, давлат буюртмаси берилишига буйруқ лойиҳасини тайёрлайди;

ҳудудларга оид буйруқларни ижрочиларга етказилишини ва буйруқнинг тегишли бандларидаги топшириқларини амалга оширади;

фуқаролардан келиб тушган мурожаатларга жавоб беради;

соҳани ривожлантириш, такомиллаштириш борасида тавсиянома, таклиф ва мулоҳазаларни тақдим этиш;

бошқарма бошлиғи ҳамкорлигида бошқарма меҳнат шароитини яхшилаш, барча зарурий воситалар билан таъминлашни талаб қилиш;

зиммасига юклатилган лавозим мажбуриятларини амалга ошириш учун ваколат доирасида маълумотлар сўраб олади;

3.2. Бошқарма бош мутахассиси қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

спектакллар муҳокамасида иштирок этади ва соҳа мутахассисларини иштирокини таъминлайди;

тизим ташкилотлар, ҳудудий бошқармаларга бошқарма фаолиятидаги топшириқларни бериш ва маълумотлар олади ва умумлаштиради;

ҳудудларнинг ходимларга бўлган талабларини ўрганиб чиқади ҳамда улар юзасидан маълумот тайёрлайди;

мурожаат асосида келиб тушган асарларни (*пьеса, концерт ёки театрлаштирилган томоша дастурлари*) кўриб чиқади ва тавсиявий хулоса беради;

белгиланган тартибда вазирлик Хайъат йиғилишларида қатнашади;

раҳбарият топшириғига асосан хизмат сафарларига боради;

жамоа ва меҳнат шартномалари шартларига амал қилади;

ички меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилади.

вазирлик ижодий бирлашмалари ва ташкилотларнинг етук мутахассисларга бўлган талабларини ўрганиб чиқади ҳамда улар юзасидан маълумот тайёрлайди;

бошқарма бошлиғи томонидан берилган топшириқларни бажаради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга оширади;

иш давомида ёзув қоғозидан оқилон ва тежамкорлик билан фойдаланади;

ўз билимларини доимо такомиллаштириб, соҳага оид қабул-қилинаётган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўрганиб боради;

вазирликнинг обрўси ва шаънига путур етказиши мумкин бўлган ахборотларни ва ижодий бирлашмалар юзасидан олиб борилаётган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

3.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

IV. Жавобгарлиги ва ўзаро ўрин босиш

4.1. Бошқарма бош мутахассиси ўзига юкланган лавозим вазифаларини тўлақонли бажарилиши учун жавоб беради.

4.2. Фойдаланиш учун ўзига топширилган мебель, хона жиҳозлари, ташкилий ва маиший техникадан оқилона фойдаланилиши ҳамда уларни бут сақланишига масъулдир.

4.3. Ўзи иш олиб борадиган хонада ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилади.

4.5. Мазкур лавозим йўриқномаси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.